

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВА ДУРДОНА РАВШАНОВНА

**ИНТЕНСИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Пулатова Дурдона Равшановна

Интенсив таълим технологиялари асосида нофилологик таълим йўналиши
талабаларини коммуникатив компетенцияларини такомиллаштириш..... 3

Пулатова Дурдона Равшановна

Повышение коммуникативных компетенций студентов нефилологического
образования на основе интенсивных образовательных технологий..... 23

Durdona Ravshanovna Pulatova

Improving the communicative competencies of students of non-philological
education on the basis of intensive educational technologies..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВА ДУРДОНА РАВШАНОВНА

**ИНТЕНСИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 –Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1621 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аҳмедова Лайло Толибжановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Жуманазаров Умид Умирзакович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Хайдаров
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
пед.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида талабалар коммуникатив компетенциясини такомиллаштиришга қаратилган корпусга асосланган креатив таълим технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача Халқаро таълим концепциясида: “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш”¹ стратегик вазифа сифатида қабул қилинган ва шу борада хорижий тилларни коммуникатив компетенция орқали ўқитиш ва унинг сифатини оширишда халқаро стандартларни қўллаш, таълим ва инновациянинг уйғунлигини таъминлаш, коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида коммуникатив компетенцияларни такомиллаштириш, таълимнинг ҳар бир босқичида шахснинг шаклланиши жараёнида коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш, корпусга асосланган креатив таълим технологияларини таълим жараёнига таъсирини ўрганиш, коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш муҳитини шакллантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўқитишнинг интенсив технологияларини такомиллаштириш, ривожлантириш, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришда ўзининг касбий фаолиятини олиб бориш, коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга доир илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда замонавий талаблар асосида илғор хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда олий таълим муассасалари талабаларининг мунтазам коммуникатив мулоқоти ўсишида интерактив методлар, таҳлилий, танқидий ва ижодий фикрлашнинг ривожлантиришга йўналтирилган инновацион лойиҳалар, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва интенсив таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда малака ва кўникмаларини ривожлантириш, таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш ҳамда унинг моддий-техник базасини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди. Шунга кўра, талабаларни тайёрлаш сифатини оширишда коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга оид ёндашувларни жадаллаштириш зарурати кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “маънавий етук, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, ватанга содиқ, қатъий ҳаётий фуқаролик позициясига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш”² каби муҳим вазифалар илгари сурилган, бу борада олий таълим муассасаларида интенсив таълим технологиялари орқали ўқитиш

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. 6-сон.

сифатини бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги ВМ-610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасалари таълим сифатини таъминлаш масалалари: Д.Джуманова, Т.К.Саттаров, С.С.Сайдалиев, Д.У.Хошимова, Ў.Х.Хошимов; коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш масалалари: Ф.Ш.Алимов, Н.Н.Азизхўжаева, Н.М.Ахмедова, У.Ш.Бегимқулов, М.Х.Гулямова, Р.Х.Жўраев, У.И.Инаятов, Н.А.Муслимов, К.Рисқуловаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

МДҲ давлатлари олимлари Б.Г.Ананьев, М.С.Бургин, В.В.Краевский, В.Л.Матросов, Е.И.Пассов, Г.К.Селевко, В.А.Сластенинлар томонидан педагогик инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борилган.

Хорижий давлатларда тилшунослик ва корпус лингвистикасини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Замонавий корпус лингвистикаси шаклланишига доир илмий тадқиқотлар R.Reppen, G.Leech, S.Bernardini, S.Norman, G. Simon, S.Hunstonлар томонидан амалга оширилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган А-1-197 рақамли “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади интенсиф таълим технологиялари асосида олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналиши талабаларида

коммуникатив компетенцияларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасалари талабаларининг коммуникатив компетенциясини интенсив таълим технологиялари асосида ривожлантириш ва психологик-педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

талабаларда коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг корпусга асосланган таълим технологияси моделини такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларида коммуникатив компетенцияларни корпусга асосланган лингвистик қобилиятлар асосида такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларида коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш даражаларини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналиши талабаларида коммуникатив компетенцияларни такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Наманган давлат университети талабаларидан 365 нафари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини интенсив таълим технологиялари асосида олий таълим муассасаларининг талабаларида коммуникатив компетенцияларни такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик, тилшунослик ва олий таълим тўғрисидаги ўқув-меъёрий ҳужжатларни (давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари), инглиз тили методикасига оид илмий-услубий адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш; педагогик кузатув, индуктив ва дедуктив методлар, тажриба-синов ишини ўтказиш ва мониторинг, олинган маълумотларни математик ва статистик қайта ишлаш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг ташкилий, мотивацион ва педагогик имкониятлари корпус турлари бўйича шахсга йўналтирилган таълим ва талабаларнинг креатив қобилиятларини (танқидий фикрлашларини ривожлантириш ва уларнинг ижодий нутқ фаолиятини ошириш)ни таълимий эҳтиёж, интегратив ёндашув, таълимда амалий қўллаш каби касбий тайёргарлик омилларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

коммуникатив компетенцияни такомиллаштириш модели шахсга йўналтирилган компетентли, коммуникатив, дифференциялашган дидактик таълим жараёни фаоллиги даражасини баҳолашнинг мотивацион, когнитив ва касбий мезонларини ривожлантириш, корпус турлари бўйича илғор таълим технологияларининг тўғридан-тўғри ва асинхрон ҳолатларини яратиш асосида такомиллаштирилган;

дидактик материалларни моделлаштириш, вариантлаш, уларнинг компонентлари ҳамда компетенцияларга дахлдор ички турларини аниқлаш орқали талабаларда коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришнинг

интеллектуал ва эмоционал аспектларини оптималлаштириш имкониятлари компетентли ёндашув ва шахсга йўналтирилган корпус турлари (Michigan Corpus of Academic Spoken English (MICASE) ва Longman Written American Corpus (LWAC))ни ўзаро интегратив уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг касбий тайёргарликка мослашишининг педагогик параметрлари мазмунини ташкил этувчи шахсий, коммуникатив компетенциялар мотивацион-қадриятли, когнитив ва ижтимоийлик каби аниқлик кўрсаткичлари ҳамда юқори, ўрта, қониқарли, қониқарсиз даражаларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида тинглаб тушуниш, диалог, монолог, ўқиш, ёзиш кўникмаларини баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш бўйича илмий-педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларнинг интенсив таълим технологиясига асосланган коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда корпусга асосланган технологиянинг функционал ва дидактик имкониятларидан фойдаланишга оид тавсиялар берилган;

олий таълим муассасалари талабаларида коммуникатив компетенцияларни корпусга асосланган лингвистик қобилиятлар асосида такомиллаштиришнинг дидактик таъминотини кенгайтириш бўйича “Хорижий тил (инглиз тили)” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республикамиз ва ҳалқаро миқёсдаги илмий конференция материллари тўплами, махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоблар; интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг натижаси сифат ва самарадорлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишлари талабаларида коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш жараёнини халқаро илғор тажрибаларга таянган ҳолда интенсив таълим технологияси асосида назарий жиҳатдан бойитишда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, илмий-тадқиқот ишлари натижасида ишлаб чиқилган “Интенсив таълим технологиялари асосида инглиз тилини ўқитиш” махсус курси нофилологик таълим йўналишлари талабаларини эркин сўзлаша оладиган ва малакали кадрлар тайёрлашнинг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интенсив таълим технологиялари асосида нофилологик таълим йўналиши талабаларининг

коммуникатив компетенцияларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

коммуникатив компетенцияни ривожлантиришнинг ташкилий, мотивацион ва педагогик имкониятлари корпус турлари бўйича шахсга йўналтирилган таълим ва талабаларнинг креатив қобилиятларини (танқидий фикрлашларини ривожлантириш ва уларнинг ижодий нутқ фаолиятини ошириш)ни таълимий эҳтиёж, интегратив ёндашув, таълимда амалий қўллаш каби касбий тайёргарлик омилларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-219 рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим таълим муассасаларида Умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услугий мажмуа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5155-сон маълумотномаси). Натижада, талабалар компетенциясини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари оширилган;

коммуникатив компетенцияни такомиллаштириш модели шахсга йўналтирилган компетентли, коммуникатив, дифференциялашган дидактик таълим жараёнини тил фаоллиги даражасини баҳолашнинг мотивацион, когнитив ва касбий мезонларини ривожлантириш асосида корпус турлари бўйича илғор таълим технологияларини тўғридан-тўғри ва асинхрон ҳолатларни яратиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А.1-197 рақамли “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услугий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5155-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг интенсив таълим технологиялари асосида коммуникатив компетенциялар (лингвистик, социолингвистик, прагматик)ни самарадорлиги оширилган;

дидактик материалларни моделлаштириш, вариантлаш, уларнинг компонентлари ҳамда компетенцияларга дахлдор ички турларини аниқлаш орқали талабаларда коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришнинг интеллектуал ва эмоционал аспектларини оптималлаштириш имкониятлари компетентли ёндашув ва шахсга йўналтирилган корпус турлари (Michigan Corpus of Academic Spoken English (MICASE) ва Longman Written American Corpus (LWAC))ни ўзаро интегратив уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услугий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли амалий лойиҳага татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5155-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг интенсив таълим технологиялари асосида коммуникатив компетенцияларни самарадорлиги ошириш имкони кенгайтирилган;

талабаларнинг касбий тайёргарликка мослашишининг педагогик параметрлари мазмунини ташкил этувчи шахсий, коммуникатив компетенциялар мотивацион-қадриятли, когнитив ва ижтимоийлик каби аниқлик кўрсаткичлари ҳамда юқори, ўрта, қониқарли, қониқарсиз даражаларни ўзаро мувофивлаштириш асосида тинглаб тушуниш, диалог, монолог, ўқиш, ёзиш кўникмаларини баҳолаш мезонларини такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-219 рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим таълим муассасаларида Умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услугий мажмуа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5155 сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг коммуникатив тайёргарлик даражасини баҳолаш мезонлари корпусга асосланган педагогик босқичларнинг корпус лингвистикаси хусусиятларини аниқлаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига бўйича жами 10 та илмий-услугий ишлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 та республика ва 1 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалда жорий этилиши ҳолати, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг **“Интенсив таълим технологиялари асосида талабаларни коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида талабаларида интенсив таълим технологиялари асосида коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришнинг ҳолати, мазмуни, муаммолари, аҳамияти ва таълим сифатини ошириш тамойиллари тавсифи келтирилган.

Жаҳон таълим тизимида коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришда халқаро стандартларни қўллаш, таълим мазмунини модернизациялаш, таълим ва инновациянинг уйғунлигини таъминлаш ҳамда таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Ҳозирги вақтда инглиз тилини билиш – бу нафақат инсоннинг маданий ривожланганлиги белгиси, балки унинг касбий фаолиятдаги ва бошқа турли соҳаларда муваффақиятли фаолият юритиши омили ҳисобланади.

Республикамиздаги барча таълим муассасаларида коммуникатив компетенциялар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилиб, хорижий тиллардаги коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш алоҳида йўлга қўйилган, республикамизнинг хорижий мамлакатлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши ҳар бир мутахассисдан коммуникатив компетенцияларни мукамал ўзлаштиришни ва хорижий ҳамкасблар билан тўғридан-тўғри мулоқот қила олишларига замин яратишни тақозо қилмоқда.

Жаҳон мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларида илғор тажрибаларга асосланган малакали мутахассисларни тайёрлаш, шу билан бирга, коммуникатив компетенциялар самарадорлигини оширишда интенсив таълим технологияларини кенг жорий этиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Интенсив таълим технологияси коммуникатив компетенцияларни жадал ривожлантириш талаб этилганда қўлланилади. Бу жараёнда вақтнинг тежалиши ва қисқа муддат ичида нутқни ривожлантиришга эришиш мумкин, шунингдек, талабаларнинг вақти чекланганда ва қисқа муддатда уларнинг билим даражасини ошириш зарур ҳолларда ушбу технологиялар юқори самара беради. Таълимнинг турли шакллари ва қисқа муддатли дастурлар орқали рақабатбардош кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёж ортиб, жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, қисқа муддатда мувофиқлаштирилган ўқув жараёнида сифатли кадрларни рақабатбардошлигини интенсив таълим технологиялари орқали таъминлашни талаб қилади.

“Интенсив” тушунчаси латинча “intensio” сўзидан олинган бўлиб, кучайтириш, тезлаштириш, жадаллаштириш, энг юқори унумдорликни берувчи, бирон нарсани тезроқ, кўпроқ даражада қилиш ёки амалга ошириш тарзида соддалаштирилган ҳолда қабул қилиш маъносини англатади.

Интенсив технологиялар – бу билиш фаолиятини ташкил этишнинг махсус шакли ҳисобланиб, у аниқ ва башорат қилиниши мумкин бўлган мақсадларга эга бўлади. Мана шундай мақсадлардан бири – бу ўқитиш жараёнида талаба ўзининг муваффақиятлилиги, интеллектуал кучга эгаллигини ҳис қила оладиган қулай ўқитиш шароитларини яратишдан иборатдир.

Интенсив технологияларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқув жараёни деярли барча талабалар ўзлари билган ва интилаётган нарсалар тўғрисида рефлексияни амалга ошира оладиган ҳамда тушуниш имкониятларига эга бўлувчи, билиш жараёнига жалб этилган кўринишда ташкил этилганлигидир. Билиш, ўқув материални ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти шуни англатадики, ҳар бир талаба ўзининг алоҳида индивидуал

ҳиссасини қўшади, фаолиятнинг усуллари, билим ва ғоялар алмашинуви рўй беради. Бунинг устига мазкур жараён ўзаро хайрихоҳлик ва қўллаб-қувватлаш муҳитида рўй бериб, бу нафақат янги билимни эгаллашга, балки билиш фаолиятининг ўзини ривожлантиради, уни ҳамкорлик ва ўзаро киришувчалигини янада юқори шаклларига олиб ўтади. Машғулотлардаги интенсив технологиялар умумий бўлган, лекин ҳар бир иштирокчи учун аҳамиятли вазифаларнинг ўзаро тушунилиши, ўзаро ҳаракат қилиш, ҳамкорликда ҳал қилишга олиб келадиган диалогли мулоқотни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни кўзда тутаяди.

Интенсив таълим технологиялари асосида ўқитиш деганда, ўқув-билиш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун таълим олувчининг захирадаги имкониятларини ҳаракатга келтириш ва тезлаштириш имконини берадиган таълим технологияси тушунилади. Шунинг учун ҳам фикрлаш ва амалий фаолиятга ундовчи фаол методлардан, айниқса, ўқитиш жараёнида кенг фойдаланиш таълим олувчининг келгуси фаолиятидаги билимларни мукамал эгаллаб ва уларни касбий фаолиятида амалиётда қўллаб боришдаги фаоллигини таъминлайдиган муҳим интеллектуал сифатларини ривожлантиради.

Интенсив таълим технологияси ёрдамидаги машғулотлар қисқа вақт ичида энг самарали натижаларни бериши билан бирга, талаба нафақат ўқиш пайтида ортиқча топшириқ бажаради, балки, аксинча, уни жуда осон ва қисқа муддатда ўзлаштиришга ёрдам беради.

Интенсив таълим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари:

талабаларни машғулот давомида максимал даражада фаоллаштириш;
талабанинг психологик захираларини сафарбар қилишдан иборат.

Таълим самарадорлигини оширишда интенсив таълим технологиялари барча дастурлар ва барча даражалар учун қуйидаги элементлардан фойдаланилади: асосий эътибор оғзаки нутқ ва эшитиш орқали тушуниш компетенцияларига қаратилади; машғулот давомида талаффуз ва интонация бўйича тизимли ишлар; ўз фикрларини инглиз тилида оғзаки баён этиш (тил тўсиғини енгиб ўтиш) компетенцияларини эгаллаш; ролли ўйинлар, амалий тадқиқотлар, мунозаралар, оғзаки тақдимотлар ва мулоқот вазиятларини моделлаштириш; талабаларнинг индивидуал мақсадлари асосида ўқув материали ва дастурларини оптималлаштириш, яъни фақат касбий фаолиятга оид тушунчалар ўрганилади.

Интенсив таълим технологиялари воситасида бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш концепцияси доирасида таълимнинг ижтимоийлашуви учта – назарий, методик ва технологик йўналишлар бўйича амалга оширилади:

назарий жиҳатдан бўлажак мутахассиснинг қадриятли сифати тарзида коммуникатив компетентлилик ҳақидаги билимлар;

методик жиҳатдан эса коммуникатив фаолиятнинг субъектлари учун қулай муҳитни яратишга йўналтирилган фаол шакллар ҳамда методлар жамланмаси кўзда тутилади;

технологик жиҳатдан ўқитувчининг интенсив технологиялардан фаол фойдаланиш жараёнида бўлажак мутахассиснинг коммуникатив

компетентлилигини шакллантиришда рағбатлантириш жараёни натижавийлигига, мақсадга эришишга қаратилган ҳаракатлари траекторияси сифатида олиб қаралади.

Таълим жараёнидаги янги сифатга интенсив таълим технологияси асосида ўқитиш тамойилларида акс эттирилган қоидалар унинг яхлит тизимида намоён бўлгандагина юқорироқ кўрсаткичга эришиш мумкин.

Тадқиқот ишининг **“Интенсив таълим технологиялари асосида талабаларни коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобида интенсив таълим технологиялари асосида ўқитиш жараёнининг педагогик-психологик шарт шароитлари, талабаларда коммуникатив нутқ фаолияти турларини такомиллаштириш принциплари, “Корпусга асосланган таълим технологияси”нинг ўқув-услубий таъминотида оид масалалар ёритилган.

Таълим жараёнида захиравий имкониятлар педагогикасини юзага чиқариш технологияси унинг индивидуаллашувига таянади, чунки ҳар бир талабанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва зарур компонентларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш технологиясини тузиб чиқиш зарур бўлади.

Интенсив таълим технологиялари асосида талабаларда коммуникатив компетенциялар самарадорлигини оширишнинг назарий асоси сифатида диссертант томонидан компетентли ёндашув ва шахсга йўналтирилган ёндашув белгиланган. Тил компетентлилиги билим, малака, кўникма мазмунининг асоси ҳисобланади.


Компетентли ёндашув замонавий таълимнинг кўп ёндашувлилигига уйғун ҳолда бирикиб кетади ва шахсга ўз-ўзини намоён қилишга, ижтимоий ўзаро ҳаракатлар тарзида ўз шахсий потенциалини намоён қилишга имконият беради.

Ўқитиш жараёнида муҳим бўлган компетентли ёндашувни амалга оширишнинг таркибий қисмлари ўқитиш ва ўқиш муносабати ҳисобланади. Мазкур муносабатлар (педагогик ўзаро ҳаракатлар)нинг шахсга йўналтирилган ўқитиш асосига қурилиши мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқилган ёндашувнинг қадриятли жиҳати, энг аввало, педагогик жараённинг ижтимоийлашуви ҳисобланади.

Коммуникатив компетенцияларнинг интенсив таълим технологияси асосида самарадорлигини ошириш муаммосига назарий ёндашувлар таҳлилини тугата туриб, биринчи навбатда, учта назарий йўналишни ажратиб кўрсатиш лозим, деб ҳисоблаймиз: биринчиси, компетентли ёндашув, у замонавий олий таълим тизими ва илм-фандаги асосий йўналиш бўлиб ҳисобланади. Иккинчи йўналиш сифатида асосий компетенцияларнинг шаклланиш жараёнини самарали ташкил этишга имкон берувчи дастак сифатида шахсга йўналтирилган ёндашувни танланди. Учинчи йўналишга захиравий имкониятлар педагогикаси танланди, чунки у хорижий тилларни интенсив таълим технологияси асосида коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришда асосий компетенциялар намоён бўладиган бир қатор когнитив ва ижтимоий қобилиятларнинг намоён бўлиш даражасини сезиларли равишда оширишга имкон беради.

Педагогик жараён модели коммуникатив компетенцияларни интенсив

таълим технологияси асосида самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитларини таъминлайди ва мос ҳолдаги тизимли компонентлардан – ижтимоий буюртма, мақсад, назарий ёндашувлар (захиравий имкониятлар педагогикаси, шахсга йўналтирилган таълим, компетентли ёндашув) кабилардан иборат бўлади (1-расм).



1-расм. Интенсив таълим технологияси асосида олий таълим муассасалари талабалари коммуникатив компетенцияларини такомиллаштириш модели

Шундай қилиб, коммуникатив компетенцияларни интенсив таълим технологияси асосида ривожлантиришга ёрдам берувчи педагогик шарт-шароитларнинг назарий асосланишидан иборат бўлган тадқиқот вазифасини амалга ошириб, муаллиф учта илмий йўналишда – захиравий имкониятлар педагогикаси, компетентли ёндашув ва шахсга йўналтирилган ўқитишга тўхталди.

Захиравий имкониятлар педагогикаси педагогик жараёнда ўқув жараёнини интенсив таълим технологияси асосида ташкил этиш ва оптималлаштирилишига ёрдам берадиган захиралардан фойдаланишни таклиф қилади: қийинчиликларни аниқлаш, уни келтириб чиқарувчи фаолият турларига зарурий қобилиятларнинг машқ қилинишини ташкил этиш (тренинг, ўйин, ўқитишнинг муаммоли шакллари); ўқув фаолиятига мотивацияни шакллантириш; талабаларнинг шахсий маънавий, ахлоқий, эстетик сифатларини шакллантириш; талабалар онгидаги ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш лозим. Захиравий имкониятлар педагогикаси коммуникатив компетенцияларни интенсив таълим технологияси асосида ривожлантириш учун зарур бўладиган тайёргарликнинг барча турларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Захиравий имкониятлар педагогикасини бутун ўқув жараёнида ўз тажрибасини орттирадиган ва ўзини ўқув фаолиятида юзага чиқарадиган ривожланувчи субъектга йўналтириладиган шахсга йўналтирилган ўқитиш жараёнида юзага чиқариш мумкин.

Компетентлилик ёндашуви коммуникатив компетенциялар ривожланишининг якуний мақсади ва натижасини истиқболли тарзда кўришни таъминлайди ҳамда ўқитишнинг натижавийлигига йўналтиради.

Ижодий ёндашувлар асосида олий таълим муассасалари талабаларида коммуникатив компетенцияларини интенсив таълим технологияси асосида самарадорлигини оширишнинг қуйидаги педагогик шарт-шароитлари ажратиб кўрсатилган: ички мотивацион, когнитив ва ижтимоий тайёргарликни шакллантириш блокларини ўз ичига олувчи коммуникатив компетенцияларни интенсив таълим технологияси асосида ривожлантиришга тайёргарликни шакллантиришнинг махсус ўқув курси; ўқув гуруҳида ўқитишнинг фаол шакллари ҳамда методларини ва ўзаро таъсирлашув методларини қўллаш; тайёргарликнинг барча турлари шаклланишини мониторинг қилиб бориш.

Инглиз тилидаги коммуникатив компетенцияларни интенсив таълим технологияси асосида ривожлантиришда олий таълим муассасалари талабалари маълум бир қийинчиликларга дуч келадиларки, бу уларнинг инглиз тилини ўрганишда турли хил даражали муаммоларини англаш ва пайдо бўлиши сабабларига кўра, типик қийинчиликларни таснифлаш имконини берди:

коммуникатив хусусиятга эга қийинчиликлар;

билишга доир жараёнларнинг етарлича ривожланмаганлиги билан боғлиқ қийинчиликлар;

талаба шахсининг индивидуал ўзига хосликлари билан боғлиқ қийинчиликлар;

Ўқитувчи шахсига ва ўқув жараёнида қўлланадиган технологияларга боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

Қийинчилик турлари ва коммуникатив компетенцияларни интенсив таълим технологияси асосида ривожлантиришнинг сабаб-оқибат алоқадорликларини таҳлил қилиш, бир томондан, тайёргарликнинг шаклланишига, иккинчи томондан эса, эҳтимолий қийинчиликларнинг олдини олишга ёрдам берувчи йўналишларни ажратиб кўрсатилган. Белгиланган омилларни юзага чиқаришга коммуникатив компетенцияларни интенсив таълим технологияси асосида ривожлантиришга талабаларнинг тайёргарлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш орқали эришиш мумкин бўлади.

Олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тилидаги коммуникатив компетенцияларини шакллантиришга қаратилган илмий изланиш натижасида, муаллиф дидактик ва педагогик воситалардан фойдаланишни бир неча босқичга ажратган ҳолда ўрганишни таклиф қилган.

Биринчи босқич. Ушбу босқичда коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришнинг вазифаси ва мақсади баён қилинади. Талабаларга маълум бир мавзу юзасидан топшириқлар берилади, уларнинг диққати келиб чиқиши мумкин бўлган айрим когнитив (орфографик) қоидаларга қаратилади, зарур ҳолларда бундай қийинчиликларни намунавий мисоллар орқали батафсил тушунтирилиши қўйилгани мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқич. Ушбу босқичда берилган мавзуга оид сўзлар техник воситалар ёрдамида намоёиш этилади. Масалан, мультимедиа орқали намоёиш этилган тасвирлардан мавзуга оид сўзлар ёрдамида мустақил гап тузиш мумкин. Бунинг аввал ўқитувчи раҳбарлигида, кейинроқ мустақил ҳолда бажарилиши мақсадга мувофиқ. Қалит сўзларни гапларда қўллаш орқали лексик-грамматик қийинчиликлар бартараф қилинади.

Учинчи босқич. Ушбу босқичда гаплар ўртасидаги мантикий боғлиқликка эътибор қаратилади. Талабалар мустақил гап тузиш ёрдамида мавзуга оид матн тузишни машқ қилишади. Бундай иш талабаларда ижодий фикрлаш, кўникмаларни шакллантириш, ўқув материални ёдда сақлаб қолишни осонлаштириши билан бирга, ўз фикрни инглиз тилда равои ифода қилиш компетенцияларини ҳам шакллантиради.

Тўртинчи босқич. Ушбу босқичда талабалар берилган мавзу асосида ўзлари тузган ёзма матнларни бир-бирларига ўқиб берадилар ва бошқаларнинг ёзган матнларига нисбатан ўз фикрларини билдирадидлар. Уларнинг фикрлари ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Масаланинг бундай қўйилиши улардаги танқидий фикрлаш малакасини шакллантиришга ёрдам беради.

Бешинчи босқич. Ушбу босқичда ҳар бир талаба ўз матнига нисбатан билдирилган фикрларни ҳисобга олиб, матнни қайта ёзиб чиқади. Бунинг натижасида баъзан аввалги матндан фарқ қилувчи тамомила янги матн тайёрланиши ҳам мумкин. Бу талабанинг ўз ишига қанчалик ижодий ёндашганлигига боғлиқдир.

Таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг муҳим ва энг машҳур йўналишларидан бири корпус лингвистикаси ёки DDL (data-driven learning) ёрдамида ўрганишдир.

Ҳозирда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бутун дунёда олий таълим муассасаларида лингвистик корпуслардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш жуда яхши самара бермоқда.

Корпусга асосланган таълим технологиясининг (DDL) моҳияти шундаки, талабалар "билмаган" тилга доир маълумотларни топишда тўғридан-тўғри корпусдан фойдаланадилар. Ушбу йўналишда талабалар инглиз тилидаги коммуникатив компетенцияларни янада самарали шакллантиришлари мумкин, чунки ўрганиш жараёнида моделдан фойдаланиш тавсия этилади. Тил материалига доир сўзлар, иборалар, грамматик қоидалар маънолари ҳақида ўз хулосаларини чиқариш имконига эга бўладилар.

Миллий корпус илмий-тадқиқотлар ва тилни ўрганиш учун тилшунослар (корпус лингвистикаси, замонавий тилшунослик соҳаси бўйича мутахассислар) томонидан ишлаб чиқилган. Дунёда кенг тарқалган тиллар бўйича миллий корпуслар яратилган. Улар илмий ишлов бериш даражаси бўйича фарқланади. Бунга мисол қилиб, умумэътироф этилган Британия миллий корпуси (БМК)ини намуна сифатида келтириш мумкин. Замонавий корпуслар кўпчилиги унинг асосида тузилган.

